ФУҚАРОЛАР ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИ: ЮРИДИК АСОСЛАРИ ВА ТУШУНЧАСИ

Ю. А. Жураев
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Девони маъсул ходими,
юридик фанлар доктори

Р. А. Икрамов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти,
юридик фанлар номзоди, доцент

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фуқароларнинг жамоатчилик назорати хусусан экологик назорат унинг амалга ошириш механизмлари уларнинг қонунчиликда кўрсатилган қонунлар асосида кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: экология, қонун, фуқаро, жамият, жамоатчилик назорати.

ECOLOGICAL CONTROL OF CITIZENS: LEGAL FUNDAMENTALS AND CONCEPTS

Y. A. Jurayev
Officer in charge of the Office of the
Legislative Chamber of Oliy Majlis,
Doctor of Juridical Sciences

R. A. Ikramov
Chirchik State Pedagogical Institute,
Candidate of Juridical Sciences,
Associate Professor

ABSTRACT

This article discusses the mechanisms of public control of citizens, in particular environmental control, on the basis of the laws specified in their legislation.

Keywords: ecology, law, citizen, society, public control.

КИРИШ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифалари жадаллик билан амалга оширилаётган ҳозирги даврда нафақат давлат қурилиши асосларини, балки шунга монанд ҳолда жамият таянчлари бўлган омиллар ва жараёнларни илмий-назарий ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва истиқболларини башорат қилиш эҳтиёжи кучаяди.

Ривожланиши янгича тус олаётган жамиятнинг тавсифлари илгари мавжуд бўлган тушунчаларга қараганда ўзгариб бормоқда. Унинг энг асосий моҳияти давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида таклиф этилган “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори…” ролида мужассам

бўлмоқда. Бу жамият зиммасига мамлакат тараққиётининг лакомотиви бўлишдек вазифа қўйилганлигини англатади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жамият олдига шунчалар катта маъсулиятли вазифа қўйилган экан, демакки, уни бажариш учун ўзига хос механизм ва воситаларни такомиллаштириш зарурияти вужудга келади.

Ҳозирги пайтда жамиятнинг ”ташаббускор”лик ролини амалга оширишида бошқа турли функциялари билан бир қаторда назорат функцияси ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Жамият назорати амалда жамоатчилик назорати шакллари орқали амалга оширилади. Бундай назорат давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларининг ҳушёрлиги ва маъсулиятини оширади, уларнинг фаолияти жамият аъзолари манфаатларига бўйсинишини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, жамоат назорати ҳокимиятларнинг тармоқларга бўлиниши тамойилини амалда таъминланишида катта рол ўйнайди [1].

Жамоатчилик назорати инсон омили билан чамбарчас боғликдир. Жамоат назоратида инсон иккита мақомда мужассам бўлади: биринчиси – мустақил ёки жамоага бирлашиб назоратни олиб борувчи; иккинчиси – назорат “мевaларини истеъмол қилувчи”, яъни маълум натижалардан баҳраманд бўлувчи.

Фуқаронинг жамоага бирлашиб жамоат назоратини амалга ошириши жамиятнинг бу борадаги функциясини рўёбга чиқарувчи асосий механизм бўлганлиги боис унинг долзарблиги ижтимоий-сиёсий ҳаётда табора кучаймоқда. Бундай назорат ривожланаётган фуқаролик жамиятининг беназир демократик қадрияти сифатида давлат томонидан тан олиниб, унга конституциявий мақом берилди, [2] “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди [3].

Фуқаронинг жамоага бирлашиб назорат юритиши, яъни жамоатчилик назорати бутунжамият назоратининг ўзагини ташкил этади. Бундай назорат эндиликда одатий ҳолга айланиб, одамлар онгида мустаҳкам ўрнашиб қолди. Илмий-назарий манбаларда ҳам асосан жамоатчилик назоратига эътибор берилади[4]. “Жамоатчилик назорати” тушунчаси давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти қонунийлиги ва унинг ижтимоий манфаатларга мувофиқлиги юзасидан кузатувлар олиб бориш, таҳлил қилиш ва баҳолашга оид фаолиятни англатади [5].

Жамоатчилик назорати ривожланган ҳозирги шароитда унинг билан бир қаторда фуқаронинг ўзи томонидан ҳам назорат юритиши тўғрисида гапириш мумкинми? Албатта, гапириш мумкин, чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида фуқаро белгиланган. Шундай бўлишига қарамасдан назария ва амалиётда фуқароларнинг назорат юритиш масаласига етарли эътибор берилмайди. Жамоат назорати тан олинади, халос.

Жамият мустақил, эркин, ўз ҳуқуқ ва манфаатлари йўлида курашувчи инсонлардан иборат. Унга “табиий моҳият ва табиий тавсиф хосдир. Шу билан бирга инсон социал организмдир, у табиатдан айро бўлиши мумкин эмас.” [6] “Инсон, деб ёзади Джон Локк, табиатан ўз мулкини, яъни ўзининг ҳаёти, озодлиги ва мол-мулкини ўзи ҳимоя қилиш ҳокимиятига эга бўлади. [7]”

Инсон ўзининг яшаш шарти бўлган атроф муҳитни сифатли ва тўла-тўкис бўлишидан манфаатдор бўлади. Манфаатдорлик уни “жамият-табиат” муносабатларига нисбатан доимий кузатув олиб бориш ва назорат қилиш инстинктида мужассам бўлади. Шу туфайли фуқароларни ҳар доим ҳам жамоага бирлашган ҳолда кўриш мумкин эмас. Улар ҳамма жабҳаларда мустақил ҳаракат қилиш мақомидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. “Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ўзлари ўз ишларини ҳал қиладилар. Фуқаролик жамиятининг асосий мақсади эса инсондир”. [8] Агар уларнинг кузатиш ва назорат қилиш қобилияти бўғилса, инсон мустақиллигига путур етади. У бора-бора манқуртга айланади.

Инсоннинг ўзлиги моддий дунё муаммоларига бефарқ эмаслигида, атрофдаги воқийликларни назорат қила олиши ва манфаатларига бўйсиндиришга ҳаракат қилишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам инсоннинг назорат қилиш қобилияти табиийдир. Шу билан бирга фуқаро жамоатчилик назоратининг ҳам ажралмас қисмидир. Лекин, **фуқаро назорати ва жамоат назорати бир хил нарса эмас. Уларни бир биридан фарқлаш лозим.**

Фуқаро назорати жамият моҳитияга хос мустақил назорат туридир. Ўзбекистонда юз бераётган демократик жараёнларнинг ҳосиласи ила шаклланаётган инсоннинг ҳаққоний ҳуқуқий мақоми ана шундан далолат беради. Бу фикрни исботлаш учун фуқаро экологик назорати мавжудлигини кўрсатувчи ҳуқуқий асослар ва назарий ҳолатларни тадқиқ қиламиз.

Ўзбекистонда фуқаро ҳуқуқий мақомида назорат функцияси мавжудлигини исботловчи асослар юқорида келтирилган Конституциянинг 32-моддасида ҳамда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун (3-модда)[9]да ўз аксини топган. Айрим ҳолларда фуқаро назорати умумий ҳолатда эмас, балки айрим соҳаларда ҳам амалга оширилади. Шундай соҳага экология соҳаси киради. Фуқароларда экологик назорат функциясининг мавжудлиги “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Шу ўринда таъкидлаш керакки, фуқароларнинг мустақил равишда назоратни амалга ошириши қонунчиликда белгиланган бўлсада, бу масаланинг амалда ижросида жиддий муаммолар мавжуд. Шунингдек, уларни илмий-назарий нуқтаи назардан ўрганиш эътибордан четда қолиб кетмоқда. Шу боисдан фуқаро назорати ва, айниқса, фуқаро экологик назорати илмий тадқиқот объекти сифатида жуда долзарб бўлиб, унинг юридик тушунчасини очиб бериш ва такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, фуқаро экологик назоратининг ҳуқуқий асослари биргина “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида эмас, балки бошқа қонунлар ва Ҳукумат қарорларида ҳам ўз аксини топган.

Хусусан, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида **фуқаролар** ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш соҳасида жамоат бирлашмалари билан тенг равишда жамоатчилик назоратини амалга оширадилар, деб белгиланган.

Фуқаро экологик назоратни амалга оширувчи мустақил субъект эканлигини исботловчи яна бир исбот “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 52-моддасида акс эттирилган. Бу моддада “**Экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш хусусидаги даъво талаблари”** акс эттирилган бўлиб, **“**Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига зиён етказаётган экология жиҳатидан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар”, деб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрь «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат

бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги 290-сон қарорида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш юзасидан **жамоатчилик назоратини фуқаролар** ҳам амалга оширади, деб белгиланган. [10]

Юқоридагиларга кўра дадил айтиш мумкин - фуқаро экологик назорати ҳуқуқий асосларга эга бўлган мустақил назорат туридир. Шундай экан, битта ҳолатни аниқлаштириб олиш керак бўлади. Экология масаласида фуқаро олиб бораётган назоратни қандай аташ керак – **фуқаро экологик назорати**ми ёки **фуқаронинг экологик жамоатчилик назоратими**?

Юқорида тилга олинган “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида фуқаро экология соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади, деб белгиланлигига гувоҳ бўлдик. Бироқ, фуқаро назоратини жамоатчилик назорати, деб бўлармикан? Айтайлик, фуқаро ўз кузатишлари, таҳлиллари ва баҳолари асосида атроф муҳитга зарарли таъсир ва унинг олдини олиш тўғрисида тегишли органга мурожаат қилди ва оқибатда унинг мурожаати зарур чоралар кўрилишига сабаб бўлди. Бу ҳолатни фуқаронинг жамоатчилик мурожаати, деб бўладими? Бизнингча, бу саволга тасдиқловчи жавоб бериб бўлмайди. Чунки, фуқаро жамоатчилик органи номидан иш кўргани йўқ. У мустақил равишда, маъсулиятни ўз бўйнига олиб мурожаат қилди.

Фуқаро амалга оширадиган экологик назоратни **фуқаро экологик назорати**, деб аташ тўғри бўлади. Фуқаро жамоатчилик назоратининг эмас, айнан экологик назоратининг субъекти эканлиги “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунда аниқ қилиб ёзилган. Ушбу Қонуннинг экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга тааллуқли махсус қонун эканлигини инобатга олсак, юқоридаги норматив ҳужжатларда акс эттирилган “фуқаронинг жамоатчилик экологик назорати” ифодаси унчалик тўғри эмаслиги кўзга ташланади.

Демак, қонунчиликда фуқаро экологик назорат субъекти эканлиги аниқ белгиланган. Бироқ, унинг юридик тушинчаси ва мазмуни тадқиқотчилар томонидан очиб берилмаган. Аниқ юридик тушунча ва мазмун тўғрисида илмий ишланмалар фуқаро экологик назорати амалиётидаги муаммоли масалаларга ойдинлик киритади ва уни самарали бўлишига муҳим замин яратади.

Юридик тушунча тўғрисида гапирилганда биринчи ўринда экологик назорат фуқаронинг ҳуқуқими ёки ҳуқуқини таъминлаш воситасими?, деган саволга жавоб бериш лозим бўлади.

Юридик маънода “ҳуқуқ” ва “назорат” атамалари бир биридан катта фарқ қилади. Инсон (фуқаро) ҳуқуқларининг ичида назорат қилиш ҳуқуқи мавжудми? Ва, аксинча, назоратни ҳуқуқ эмас, деб инкор этиш мумкинми?

Бу ерда инсон ҳуқуқлари дейилганда, албатта, экологик ҳуқуқлар тўғрисида гап боради. Инсон экологик ҳуқуқлари ҳозирги пайтда миллий қонунчилик ва халқаро ҳужжатларда тан олинган. Хусусан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида аҳолининг “қулай табиий муҳитда яшаш”, “жамоат ташкилотларига бирлашиш”, “атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқи” белгиланган. Фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари, шунингдек, ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ва бошқа қонунларда ҳам акс эттирилган.

Инсон экологик ҳуқуқлари белгиланган асосий халқаро ҳужжатларга Атроф муҳит бўйича Стокгольм Декларацияси (19972 йил), 1998 йилда Орхус (Дания) шаҳрида қабул қилинган “Атроф муҳитга тааллуқли бўлган масалалар бўйича ахборотга эришиш, жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиши ва одил судловга эришиш тўғрисида”ги Конвенция (Орхус конвенция)си киради. Мана шу ҳужжатларга биноан асосий экологик ҳуқуқ бўлган қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқидан ташқари инсон эколлогик ҳуқуқларига жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш ҳуқуқи, экологик ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи ва экологик масалалар бўйича одил судловга эга бўлиш ҳуқуқи ҳам киради. Айрим ҳолларда экологик қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам инсон экологик ҳуқуқлари сирасига киритилади.[11]

Юқоридагилардан маълум бўлдики, миллий ва халқаро қонунчиликда инсон экологик ҳуқуқлари тизимида назорат қилиш ҳуқуқи тўғрисида бирор бир маълумот учрамайди. Агар Конституциянинг 32-моддасини оладиган бўлсак, унда фуқаронинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўғрисида гапирилган. Бундай ҳуқуқ унинг давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади, дейилади. Яъни назорат ҳуқуқ эмас, **бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш воситасидир.** Демак, фуқаронинг экологик назорат қилишини ҳеч ҳам инсон экологик ҳуқуқлари сирасига қўшиб бўлмайди.

Агар фуқаронинг экологик назоратини экологик ҳуқуқларнинг бир тури деб, ҳисоблаб бўлмаса, унда уни қандай тушуниш керак?

Инсоннинг барча ҳуқуқлари қатори экологик ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинади ва кафолатланади. Ҳуқуқлар инсонларга тегишли. Уларнинг риоя

этилишидан биринчи навбатда ўзлари манфаатдор. Бундай манфаатдорлик уларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ҳимоя қилиш ва кафолатлаш борасида назоратни амалга оширишни талаб этади. Мана шу нуқтаи назардан фуқаронинг экологик назоратини **ҳуқуқий кафолат**, деб тавсифлаш тўғри бўлар эди. Бу ҳуқуқий кафолат фуқарога ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун имконият беради.

Шундай имконият туфайли фуқаро ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун назорат воситалари ва механизмларидан фойдаланади. “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида “Фуқаронинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари... ” белгиланган. Бу моддадаги ҳуқуқларни экологик назорат ҳуқуқи, деб тушунмаслик керак. Унда экологик назоратни амалга ошириш учун фуқаро қандай ҳуқуқлардан фойдаланиши тўғрисида сўз боради. 17-моддага кўра, фуқаро экологик назоратни амалга ошириши учун: а) тегишли қонун ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини **кузатиб бориш**; б) экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда **иштирок этиш**; в) экологик масалалар бўйича давлат органларига **мурожаат қилиш ва ахборот олиш**; г) атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича **жамоатчилик фикрини ўрганиши**, жамоатчилик **экологик экспертизасини ўтказишда** иштирок этиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларга эга бўлади.

Фуқаро назоратни амалга ошира туриб ўзини жамиятдан юқори қўйишга ҳаракат қилмайди. У назоратни жамият мақсадлари ва вазифаларини бажариш учун амалга оширади. Назорат жамият манфаатларига бўйсинади, демакки жамият аъзоларига хизмат қилади. Фуқаро назорат орқали атроф муҳитнинг ўзи учун қулай ва фойдали бўлишини хоҳлайди ва таъминлашга уринади. Давлат, унинг органлари ва бошқалар экологик мажбуриятларини виждонан бажаришларини талаб қилади. Шу асосда у ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини рўёбга чиқаради. “Инсон жамиятнинг аъзоси, уни жамиятсиз тассаввур қилиш мумкин эмас, у жамият ривожланишининг натижасидир. Шу боис инсонни жамиятдан устун қўйишга уриниш беъманиликдир.”

Инсоннинг экология соҳасида назорат қилиш ваколатини белгилаш жамиятда унинг мавқие ва мақомини кўтарилганлигининг, фуқаролик жамияти ривожланаётганлигининг амалий исботидир. Ўзбекистон 2017-2021-йилларда ривожланишининг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсади ҳам ана шу. Инсон назоратини кучайтиришнинг туб негизи сиёсий ҳокимият томонидан ўртага ташланган қадриятлар ва тамойилларнинг бажарилишини таъминлашдир.

Демак, Ўзбекистонда фуқаролар экологик назоратининг иккита марказий масаласи мавжуд: биринчиси –“атроф муҳит ва жамият” муносабатлари ривожланишида инсоннинг роли ва ҳуқуқлари кафолатларини ошириш; иккинчиси –давлат, унинг органлари, нодавлат секторнинг атроф муҳит билан муносабатларини тийиб турувчи ва мутаносибликни таъминловчи куч вазифасини бажариш.

Фуқаронинг экологик назоратни амалга оширишининг тан олиниши унинг ҳуқуқий мақомига нисбатан қарашларни ҳам ўзгартиришни талаб этади. Юридик адабиётларда инсоннинг ҳуқуқий мақомига хос бир қанча ҳолатлар қайд қилинади. Уларнинг ичида фуқаронинг давлат олдида мустақиллиги ва маъсулиятга эгалиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги, фуқароликка эга бўлиши; ҳуқуққа зид ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши; соғлиғи, ҳаёти ва мулки қонун билан қўриқланиши, давлат муҳофазасида бўлиши ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Фуқаро ҳуқуқий мақомининг мана шу омиллари қаторига унинг экологик назорат юритишини ҳам қўшиш лозим бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаронинг назорат юритиши ўз экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатли воситаси сифатида намоён бўлади. Бу восита унга давлат ва унинг органлари билан самарали алоқа ўрнатишида юридик жиҳатдан мустаҳкамланган имкониятлар беради. Бундай имконият фуқаро ҳуқуқий мақомини янги сифат билан бойитади.

ХУЛОСА

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, фуқаронинг экологик назорати Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг муҳим белгиси бўлиб, юридик тушунчаси қуйидаги ҳолатлар билан тавсифланади. Биринчидан, бундай назорат инсон мустақиллигини таъминлашга қаратилган унинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг кафолати бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, фуқаро экологик назорати унинг давлат бошқарувида иштирок этишининг янги шакли, десак тўғри бўлади. Бунда фуқаро бевосита давлат органларидан экологик масалаларга доир мажбуриятларни бажариш, ҳуқуқбузилишларини тўхтатиш ва улар учун жавоб бериш бўйича талабларни илгари суради. Учинчидан, фуқаронинг экологик назорати унинг ҳуқуқий мақомини кенгайтиради. Бу ҳолат дунё миқёсида инсон ҳуқуқий мақомини Ўзбекистон мисолида янгича тушунишга имкон беради.

Ўзбекистонда фуқаро назорати институтининг ривожланиши фуқаролик жамияти ўз ривожланишида юксакликка кўтарилаётганлигининг бир

белгисидир. Чунки, фуқаронинг назорат функциясига эга бўлишлиги жамият аъзоларида ҳаққоний куч мавжудлигини англатади. Фуқаролик жамиятининг асосий белгиси унинг давлат билан муносабатларида ҳаққоний куч ва салоҳиётга эга бўлишидир.

REFERENCES

1. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. // Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2014. Б.217.
2. 2014 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 32-моддасига “...давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли...” тўғрисида қўшимча киритилди. Қаранг: ЎзР 16.04.2014 й. ЎРҚ-366-сон Қонуни таҳриридаги қисм.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.
4. Сафаров Д.И., Рузиев З.Р. Сравнительно-правовой анализ полномочия органов самоуправления в сфере охраны окружающей среды в зарубежных странах // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2016;
5. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. // Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2014. Б.219
6. Тюльпанов Ф.М. Экологическое право. Учебник. –М.:ЮСТИЦИЯ. 2018. С.84.
7. Локк Дж.Избранные философские произведения. В 2 томах. Т.2. – М.,1960. С.50.
8. Морозова Л.А. Теория государства и права. Учебник. 6-издание // М.: НОРМА ИНФРА-М. 2017. С.444.
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2014 й., 43-сон, 530-модда.
11. Aktamovich, I. R., & Ziyadillayevich, I. A. (2020). Historical and Theoretical Roots of Establishing a Democratic Law in Uzbekistan. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)*, *6*(10), 507-510.
12. Ikramov, R. (2020). Constitutional and Legal Framework for Environmental Human Rights. *The scientific heritage*, *4*(54), 6-12.
13. Ikramov, R., & Bekmirzayev, N. (2020). *Yurist nutqi madaniyati*. Toshkent: Akademnashr.
14. Ikramov, R., & Bekmirzayev, N. (2020). "Avesto"da ayol va oila huquqlari talqini. *Til va adabiyot ta'limi*, (6), 26-27.

15. Икрамов, Р. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. *Вестник науки и образования*, *14*(92), 88-90.
16. Икрамов, Р. А. (2020). Теоретико-правовые проблемы экологических интересов человека. *Universum: экономика и юриспруденция*, *12*(76).
17. Третьякова А.А.Экологические права граждан: основы правового регулирования на общеевропейском и национальном уровнях в государствах – членах европейского союза. // В кн.: Экологическое право России на рубеже XXI веке. – М.: ЗЕРЦАЛО. 2000. С.153.